



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 25 yil « 17 » iyul

№ 447

Toshkent sh.

Ўқувчиларнинг физиология ва антропометрия ҳолатига баҳо бериш орқали уларни спорт турларига йўналтириш ҳамда спортни оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўқувчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш, уларнинг физиологияси ва антропометрияси ҳолати асосида спорт турларига йўналтириш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида Вазирлар Мажхамаси қарор қиласди:

1. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Спорт вазирлигининг умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни тиббий кўриклардан ўтказиш жараёнида уларнинг физиология ва антропометрия ҳолатига баҳо бериш орқали спорт турига бўлган қобилиятини аниқлаш ва шу асосда уларни спортга йўналтириш бўйича электрон тизимни йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Куйидагилар:

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг физиологик (ўсмир ривожланиши) ва антропометрик (бўй ва вазн ўлчови) кўрсаткичлари асосида йўналтириладиган спорт турлари рўйхати **1-иловага** мувофиқ;

2025–2030 йилларда ўқувчиларни физиология ва антропометрия ҳолатига баҳо бериш орқали спорт турларига йўналтириш ҳамда спортни оммалаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой мuddатда умумий ўрта таълим мактаблари (кейинги ўринларда – мактаб) ўқувчилари учун физиологик ва антропометрик кўрсаткичларни тасдиқласин.

Бунда мактаб ўқувчиларининг физиологик ва антропометрик кўрсаткичларини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари асосида ишлаб чиқиши инобатга олинсин.

4. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги **2025 йил 15 августга қадар** ўқувчиларнинг физиологик ва антропометрик кўрсаткичларидан келиб чиқсан ҳолда, уларни спорт турларига йўналтириш бўйича маълумотларни ўз ичига олган маҳсус модулни Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Ягона электрон дастурида (кейинги ўринларда – “ERP-maktab” ахборот тизими) ишга туширасин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

2025 йил 15 сентябрға қадар “Электрон соғлиқни сақлаш” ахборот тизими доирасида ўқувчиларнинг физиологик ва антропометрик күрсаткичлари маълумотларини шакллантириш имкониятини яратсин ҳамда ушбу маълумотларни “Электрон хукumat” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали “ERP-maktab” ахборот тизимига интеграция қилсин;

ўқувчиларни ҳар йили бир марта ҳар бир ҳудуддаги кўп тармоқли марказий поликлиникада чукурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказсин;

2025/2026 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили бир марта мактаб ҳамширалари учун ўқувчиларнинг физиологик ва антропометрик күрсаткичларини аниқлаш бўйича ўқув-семинарлар ташкил этсин.

6. Спорт вазирлиги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда ҳар бир мактабда яккаураш ва жамоавий олимпия спорт турлари бўйича камида 1 тадан тўгарак ташкил қилиш мақсадида спорт мактабидаги мураббийларни мактабларнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиларига бириктирсин. Бунда ўқувчиларнинг физиологик ва антропометрик күрсаткичлари асосида спорт турларига йўналтириш ишлари жисмоний тарбия фани ўқитувчилари томонидан амалга оширилади;

2025 йил 15 сентябрға қадар “ERP-maktab” ахборот тизимидағи ўқувчиларнинг спорт турига бўлган қизиқишлари бўйича маълумотларни “Электрон хукumat” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали Спорт вазирлигининг “ERP-sport” ахборот тизимига интеграция қилсин. Бунда интеграция қилинган маълумотлар асосида спорт турлари бўйича энг яхши кўрсаткичга эга бўлган ўқувчилар спорт мактабларига йўналтирилади.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш орқали уларнинг физиологик ва антропометрик кўрсаткичларини шакллантиради ҳамда “Электрон соғлиқни сақлаш” ахборот тизимига киритади;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Спорт вазирлиги билан биргаликда “ERP-maktab” ахборот тизимида ўқувчиларнинг физиологик ва антропометрик кўрсаткичлари асосида уларнинг спорт турига бўлган қизиқишларини аниқлайди ва тизимда қайд этади;

Спорт вазирлигининг “ERP-sport” ахборот тизимида ўқувчилар спорт турларига йўналтирилади ҳамда “ERP-maktab” ахборот тизимига интеграция қилиш орқали спорт мактабларига йўлланма бериш бўйича маълумотлар шакллантирилади.

8. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси З.Б. Махкамова, соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров ҳамда спорт вазири А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил “17 июл даги 447-сон қарорига
1-илова

**Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг физиологик (ўсмир ривожланиши) ва антропометрик (бўй ва вазн ўлчови) кўрсаткичлари асосида йўналтириладиган спорт турлари
РЎЙХАТИ**

T/p	Спорт турлари	1–4-синф	5–8-синф	9–11-синф
I. Олимпия спорт турлари				
1.	Бадиий гимнастика	+	+	-
2.	Бадминтон	-	+	+
3.	Баскетбол	-	+	+
4.	Волейбол	-	+	+
5.	Гандбол	-	+	+
6.	Енгил атлетика	+	+	+
7.	Спорт гимнастикаси	+	+	+
8.	Стол тениси	+	+	+
9.	Дзюдо	-	+	+
10.	Футбол	+	+	+
II. Оммавий спорт турлари				
11.	Минифутбол	+	+	+
12.	Стритбол	+	+	+
13.	Воркаут	-	+	+
14.	Шахмат	+	+	+
15.	Шашка	+	+	+
16.	Киберспорт	+	+	+
17.	Армрестлинг	-	+	+
18.	Кураш	+	+	+
19.	Белбоғли кураш	+	+	+
20.	Ўзбек жанг санъати	+	+	+
21.	Турон яkkакураши	+	+	+

Изоҳ. Ўқувчиларнинг вазни ва бўйи кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда уларни спорт турларига йўналтириши Спорт вазирлигининг “ERP-sport” ягона электрон бошқарув тизими орқали амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил “17” июл даги 447-сон қарорига
2-илова

**2025–2030 йилларда ўқувчиларни физиология ва антропометрия ҳолатига баҳо бериш орқали
спорт турларига йўналтириш ҳамда спортни оммалаштириш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

T/p	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбай	Масъул ижрочилар
1.	Умумий ўрта таълим мактаблари (кейинги ўринларда – мактаб) ўқувчилари учун физиологик ва антропометрик кўрсаткичларни тасдиқлаш.	1. Ёшлиарнинг физиологик ва антропометрик кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларини ўрганиш. 2. Ўрганиш натижалари асосида мактаб ўқувчилари учун физиологик ва антропометрик кўрсаткичларни тасдиқлаш.	2025 йил июль 2025 йил август	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
2.	Мактаб ўқувчиларини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш.	1. Мактаб ўқувчиларини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш режа-графиги ҳамда дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Ўқувчиларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш учун ҳар бир худуддаги кўп тармоқли марказий поликлиникада диспансеризация ташкил этиш ва унга малакали мутахассисларни жалб қилиш. 3. Мактаб ҳамширлари учун ўкув семинарлар ўтказиш амалиётини йўлга кўйиши.	Ҳар йили сентябрь Режа-график асосида Режа-график асосида	Соғлиқни сақлаш вазирлигига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги

		<p>4. Мактабларда ўқувчиларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш.</p> <p>5. Мактабларда ўқувчиларнинг тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнида аниқланган физиологик ва антропометрик кўрсаткичларини “Электрон соғлиқни сақлаш” ахборот тизимида шакллантириш.</p>	Доимий Режа-график асосида		
3.	Мактабларда ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнида уларнинг физиология ва антропометрия ҳолати бўйича маълумотлар базасини яратиш.	<p>1. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Ягона электрон дастурида (кейинги ўринларда – “ERP-maktab” ахборот тизими) янги модулни ишга тушириш.</p> <p>2. “Электрон соғлиқни сақлаш” ахборот тизимларида шаклланган ўқувчиларнинг физиологик ва антропометрик кўрсаткичлари маълумотларини “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали “ERP-maktab” ахборот тизимига интеграция қилиш.</p>	2025 йил сентябрь 2025/2026 ўкув йилидан бошлаб	–	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
4.	Ўқувчиларнинг физиологик ва антропометрик кўрсаткичлари асосида уларни спортга йўналтириш.	Спорт вазирлигининг “ERP-sport” ахборот тизимида ўқувчиларнинг физиология ва антропометрия ҳолатига баҳо бериш орқали спорт турига бўлган қобилиятини аниқлаш ҳамда уларни спортга йўналтириш ошириш имкониятини яратиш.	2025 йил сентябрь	–	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Спорт вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги

		<p>Бунда “ERP-maktab” ахборот тизимидағи ўқувчиларнинг спорт турига бўлган қизиқиши маълумотларини “Электрон хукумат” тизимининг идораларо интеграциялашув платформаси орқали “ERP-sport” платформасига интеграция қилиш.</p>			
5.	Мактабларда ўқувчи ҳамда педагоглар ўртасида спорт мусобақалари ва соғломлаштириш тадбирларини ташкил қилиш.	<p>1. Мактабларда ҳафтанинг ҳар шанба кунини “Спорт куни” деб белгилаш ҳамда ўқувчи ва педагоглар ўртасида спорт мусобақаларини, соғломлаштириш тадбирларини ташкил қилиш бўйича кўшма қарор ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>Бунда ўқув йили давомида ҳар ҳафтада муайян спорт ёки соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш бўйича режа-жадвал ишлаб чиқиласди.</p> <p>2. Мактаб ўқувчилари ўртасида спорт турлари бўйича “Мактаб лигалари” ва ёш тоифалари кесимида “Жисмоний тайёргарлик синовлари”ни ташкил этиш.</p>	2025–2030 йиллар август	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Спорт вазирлиги
6.	Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан ўтказиладиган спорт мусобақалари ғолибларига разряд бериш тартибини ишлаб чиқиш.	1. Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан ўтказиладиган спорт мусобақалари ғолибларига разряд бериш тартибини ишлаб чиқиш.	2025 йил сентябрь	—	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Спорт вазирлиги, Адлия вазирлиги

		<p>2. Тартибни белгиланган тартибда вазирлик ва идоралар билан келишиш.</p> <p>3. Тартибни тасдиқлаш ва амалиётта жорий этиш.</p>			
7.	“ERP-sport” электрон тизимида “Мактаб спорт клублари” рейтингини шакллантириш.	<p>1. “Мактаб спорт клублари” модулини яратиш, шунингдек, клублар фаолияти рейтингини аниқлаш механизмларининг лойиха концепциясини ишлаб чиқиши.</p> <p>2. “ERP-sport” электрон платформаси базасида “Мактаб спорт клублари” модулини яратиш учун ишчи гурух таркибини тасдиқлаш.</p> <p>3. “ERP-sport” электрон платформаси базасида “Мактаб спорт клублари” модулини яратиш.</p>	2025–2026 йиллар	Спорт вазирлигига Давлат бюджетидан ажратилган ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида	Спорт вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги

